

*«Ўзбекнефтгаз» МХК
акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилишининг 04.11.2016й. 2-сонли
баённомасига 6-илова*

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ўзбекнефтгаз» МХК
акциядорларнинг йиллик умумий
йиғилишининг 2016 йил 4 ноябрдаги
қарори билан**

**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

(янги тахрирда)

.

Тошкент - 2016 йил

I-бўлим.

Умумий қоидалар

1.1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сонли «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқарув кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг баённомаси билан (11.02.2016й. № 02-02/1-187) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари, «Ўзбекнефтгаз» МХК (мант бўйича Компания) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Компания Бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек Бошқарув аъзоларининг хар бирини ҳуқуқлари (ваколатлари) ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

II-бўлим.

Компания бошқарувини ташкил этиш тартиби

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сонли қарорига асосан Компания Бошқаруви 5 кишидан иборат: раис, раиснинг биринчи ўринбосари ва раиснинг учта ўринбосарлари.

2.2. Компания Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангандан сўнг Компания Бошқарув раиси акциядорларининг умумий йиғилиши Бошқаруви аъзолари эса Бошқарувчилар кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

2.4. Шартнома Компания номидан Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси ёки Бошқарувчилар кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

2.5. Компания Бошқарувчилар кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли. Компания Бошқарувчилар кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки (ёхуд) Компания Бошқарувчилар кенгашининг қарорига кўра Компания Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

III – бўлим.

Бошқарувнинг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари

3.1. Компаниянинг Бошқаруви Бошқарувчилар кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг кузатилиши, назорат қилиниши ва ижро этилишини таъминлайдиган Бошқарувчилар кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

3.2. Компания Бошқарувининг ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Компания Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.3. Компаниянинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Компания Бошқарувчилар кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

3.4. Компания Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

3.4.1. ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

3.4.2. Компаниянинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

3.4.3. Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Бошқарувчилар кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

3.4.4. Компания томонидан тасдиқланган номенклатурага мувофиқ акциядорлик компаниялар, жамиятлар ва корхоналарнинг ижроия аппарати лавозимига номзодларни Бошқарув билан келишилиши лозим бўлган тартибни белгилаш;

3.4.5. акциядорлик жамиятлар, ташкилотлар, ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Компания Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;

3.4.6. Компания филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

3.4.7. Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

3.4.8. Компаниянинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

3.4.9. қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

3.4.10. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

3.4.11. ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Компания бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Компания бошқаруви қарорига мувофиқ Бошқарувчилар кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

3.4.12. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

3.4.13. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

3.4.14. ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

3.4.15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

Компаниянинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Компаниянинг устави ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.5. Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларида, Компания уставида, мазкур низомда, улар билан тузилган меҳнат шартнома шартларида, лавозим йўриқномасида, акциядорлар умумий йиғилиши ва Бошқарувчилар кенгаши қарорларида белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

IV – бўлим.

Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари

4.1. Бошқарув раиси Компания фаолиятининг барча масалаларини, шу жумладан Бошқарувчилар кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан, устав ва Компания ривожланиш режалари билан белгиланган вазифаларни қатъий бажарилиши учун, мустақил ҳал қилади, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

4.2. Бошқарув раиси қуйидаги ваколатларга (ҳуқуқларга) эга:

4.2.1. Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалаш;

4.2.2. ўз ваколатлари доирасида, Компаниянинг мулки ва пул маблағларига эгалик қилиш;

4.2.3. ўз ваколатлари доирасида, Компания номидан битимлар тузиш ҳамда шартномалар ва контрактларни имзолаш;

4.2.4. Компания номидан ишончномаларни бериш;

4.2.5. банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа рақамларни очиш, Компаниянинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқи билан;

4.2.6. жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

4.2.7. ходимларнинг штат жадвалларини тасдиқлаш;

4.2.8. ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

4.2.9. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, объектларда тартиб чораларини ҳамда давлат ва тижорат сири сақланишини бўзилиш, фавқулодда ходисалар фактлари бўйича ва улар вужудга келиши масалалар бўйича хизмат текшириш ўтказишни тайинлаш. Ушбу мақсадда соҳадги керакли мутахассисларни жалб қилиш. Хизмат текшириш натижаларини Компаниянинг барча мансабдор шахслари

ва корхоналари унинг хулосаларини мажбурий бажарган холда тасдиқлаш. Олинган материалларни республика назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириш;

4.2.10. қонун ҳужжатлари, Компания устави ва меҳнат шартномага мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар).

4.3. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

4.3.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига унинг самарадорлигини ва барқарорлигини таъминлаган холда раҳбарлик қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ва Бошқарувчилар кенгашининг мутлоқ ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

4.3.2. акциядорлар умумий йиғилиши ва Бошқарувчилар кенгаши қарорларини бажарилишини ташкиллаштириш;

4.3.3. Компаниянинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

4.3.4. Компания шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

4.3.5. Компаниянинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

4.3.6. Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларни бажарилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

4.3.7. Компания фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

4.3.8. қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

4.3.9. хар чоракда йиллик бизнес режа бажарилиши ҳақида Бошқарувчилар кенгашига ҳисобот бериш;

4.3.10. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши, тафтиш комиссияси ва аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

4.3.11. давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

4.3.12. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш агар учинчи шахсларга бундай маълумотларни бериш унинг мажбуриятлар доирасига кирмаган бўлса;

4.3.13. тижорат ва хизмат сирини ташкил этувчи ахборотларни Компания ходимлари томонидан сақлашларини таъминлаш;

4.3.14. Компания Бошқаруви мажлисларини ўтказишни ташкиллаштириш, Компания номидан ҳужжатларни ва Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолаш;

4.3.15. Компанияни малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўриш, Компания ходимларининг билим, малака, тажриба ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш;

4.3.16. меҳнат ва технологик тартибини сақлаш;

4.3.17. Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнاتини муҳофаза қилишни таъминлаш;

4.3.18. коллектив музокараларда Бошқарув вакиллари иштирокини таъминлаш. Коллектив шартномалар ва келишувлар имзоланаётганда иш берувчи сифатида чиқиш. Коллектив шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш;

4.3.19. амалдаги қонун ҳужжатлар, Компаниянинг устави ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.

4.4. Компания Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан шартномада келишиб олинади.

V – бўлим.

Компания бошқарувининг иш тартиби

5.1. Компания Бошқаруви мажлислари зарур ҳолларда ўтказилади.

5.2. Компания Бошқаруви мажлисларини Бошқарув раиси ёки кўриб чиқиладиган масалаларнинг тегишлилигича унинг ўринбосарларидан бири ўтказди.

5.3. Бошқарув котибиятининг функциялари Компаниянинг Ишлар бошқармасига юклатилади.

5.4. Бошқарув мажлислари баённомалари Компания Бошқаруви котиби томонидан юритилади.

5.5. Бошқарув мажлислари баённомалари:

5.5.1. Бошқарувчилар кенгаши ва тафтиш комиссияси раисларига уларнинг талабига кўра;

5.5.2. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) тақдим этилади.

VI-бўлим.

Компания бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби

6.1. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва меҳнат шартномада белгиланади.

6.2. Компаниянинг Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низомда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

VII – бўлим.

Компания Бошқаруви аъзоларининг жавобларлиги

7.1. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.2. Компания Бошқарув аъзоси ўз иш фаолияти даврида Компаниянинг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган

корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси Компанияда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида Компания Бошқарувчилар кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

7.3. Бошқарув аъзоси Компания билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Компанияни хабардор этиши шарт.

Компания Бошқарув аъзоси аффилиланганлиги Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 9 бобининг талабларига мувофиқ аниқланади.

7.4. Компания Бошқарув аъзоси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида унга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Компания уставига ва музкур Низомга мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Компания олдида жавобгардир.

7.5. Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.6. Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Компания Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

VIII - бўлим.

Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан этиборан кучга киради.

8.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Компания уставига мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Компания устави қоидалари қўлланилади.